



Хуришда КАДИРОВА,
ТошДўТАУ доценти, ф.ф.н.
E-mail: qodirova@navoiy-uni.uz

ТошДўТАУ профессори, фил.фан.док. С.Мухамедова тақризи асосида

PROBLEMS OF TRANSLATION OF UZBEK EUPHEMISM INTO RUSSIAN

Annotation

Since the phenomenon of euphemisms today acquires an accelerated tone in accordance with the criteria of areal linguistics, the emergence of problems associated with their translation deserves to be considered a natural process. After all, it has not only mental, pragmatic levels, but also territorial features. It is characterized by the fact that it is embodied as a unit, unworthy of translation, as realities. The article discusses the need to translate euphemisms using such methods of translation studies as modulation or logical development, lexical addition and concretization. The author analyzes the problem on the example of the word "muvofiq" (correspondence) used in the work "Past Days". Also lists problems in translating this word. The achievements and shortcomings of the translator are noted.

Key words: euphemism, translation, national, "muvofiq", concept "death", phraseological unit, source language, target language, "Days Gone By".

ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА УЗБЕКСКИХ ЭВФЕМИЗМОВ НА РУССКИЙ ЯЗЫК

Аннотация

Поскольку явление эвфемизмов сегодня приобретает ускоренный тон в соответствии с критериями ареального языкознания, возникновение проблем, связанных с их переводом, заслуживает того, чтобы считаться закономерным процессом. Ведь она имеет не только ментальный, прагматический уровни, но и территориальные особенности. Характеризуется тем, что воплощается как единица, недостойная перевода, как реалии. В статье рассматривается необходимость перевода эвфемизмов с использованием таких методов переводоведения, как модуляция или логическое развитие, лексическое дополнение и конкретизация. Автор анализирует проблему на примере слова «мувофик» (соответствие), употребленного в произведении «Минувшие дни». Также перечисляет проблемы при переводе этого слова. Отмечаются достижения и недостатки переводчика.

Ключевые слова: эвфемизм, перевод, национальный, «мувофик», концепт «смерть», фразеологизм, исходный язык, язык перевода, «Минувшие дни».

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ЭВФЕМИЗМЛАРНИ РУС ТИЛИГА ЎГИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация

Эвфемизм ходисаси бугунги кунда ареал лингвистика мезонлари билан ҳамоҳанг жадал тус олиб борар экан, уларни ўғириш билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келиши табиий жараён сифатида қаралишга лойиқ. Зеро, у нафақат ментал, прагматик сатҳлар, балки ҳудудий ўзига хосликларга ҳам эга. У реалия сингари ўғирилишга муайян даражада нолийқ бирлик сифатида гавдаланиш хусусияти билан ажралиб туради. Мақолада таржимашуносликнинг модуляция ёки мантикий ривожланиш, лексик қўшимча ва конкретлаштириш каби методларидан фойдаланган ҳолда эвфемизмларни ўғириш лозимлиги ҳақида мулоҳазалар юритилади. Муаллиф “Ўркан кунлар” асарида қўлланилган мувофик сўзи мисолида масалага ойдинлик киритади. Шунингдек, бу сўзнинг таржимадасиги муаммоларни санаб ўтади. Таржимоннинг ютуқ ва камчиликлари тилга олинади.

Калит сўзлар: эвфемизм, таржима, миллий, “мувофик”, “ўлим” тушунчаси, фразеологик бирлик, ўғириш, манба тили, таржима тили, “Ўткан кунлар”.

Кириш. Сўнгги йилларда тилшуносликнинг прагматик сатҳи устида қилинган ишларнинг салмоғи ортиб, янги тармоқлар – тур, ирқ, жинс, элат, миллат, маданият каби соҳалар билан боғлиқ тилнинг янги қирралари кашф этилмоқдаки, бу дунё тилларининг бир бирига яқинлашувига, идрок этилишига замин яратилмоқда. Соф маданий ходиса ҳисобланмиш эвфемик кўчимларнинг эса бу жиҳатдан аҳамияти устивор эканлиги ҳар бир тилшунос учун маълум. Шунинг учун, қиёсий аспектда икки ёки ундан ортиқ тилларнинг ўрганилиши доирасида мазкур ходисага бўлган мурожаат кўпайиб, илмий журналларда турли (кўпроқ рус, инглиз, хитой) тилларидаги илмий мақолаларни учратиш ва бой маданий-лисоний маълумотларга дуч келиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида ҳам бу борада қилинган ишлар кўзга ташланиб, тадқиқот объекти, асосан, бадиий адабиёт эканлигининг гувоҳи бўламан. Зеро, ўзбек миллий ментал

маданиятини дунё ҳамжамияти назарига ўзбек адабий мероси орқали тўғри тасавур уйғотиш мумкин.

Эвфемизациянинг нафақат миллий, балки бутун дунё олимлари қизиқишини уйғотган бўлишига қарамасдан, унинг таржимаси билан боғлиқ масалалари тўлақонли ҳал этилмаган. Хусусан, унинг мураккаблигининг, таржима моделларига мос эмаслигининг, муайян қолипларнинг йўқлигининг сабаби, аслида, миллий, маданий, ментал жиҳатларнинг бу масалага ойдинлик киритиш учун тўғаноқ бўлишидир. Шу маънода, луғатларнинг аҳмияти кўтарилиб, таржимонларга кўмакдош тилшунослар вазифаси янада ортади. Эвфемизмларни нутқий ходиса сифатида тутқич бермас лексема, фразема эканлиги боис луғатлар таркибига киритиш ҳам муаммо бўлиб майдонга чиқади. Шундай бўлсада, айрим тилларда бу борада қилинган ишлар кўзга ташланади. Дастлаб 2008 йилда Е.П.

Сенечкина томонидан рус тилида рус тили эвфемизмлари луғати нашр этилади ва у бугунги кунда ҳам рус тилида ягона нашр бўлиб, 2016 йил қайта (2-) нашри дунё юзини кўрди[1]. Ўзбек тилшунослигида эса 2006 йилда А.Омонтурдиев томонидан “Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати”[2] нашр этилиб, унда асосан қишлоқ хўжалиги, чорвадорлар нуткида қўлланиладиган қўчимлар қамраб олинган. Одатда, бошқа тилни ўрганиш, шунингдек, унинг таржима назарияси ва амалиёти билан танишиш жараёнида “эвфемизм” ишорасига мурожаат қилинмайди. Шунинг учун, мазкур феномен билан тўқнаш келаганда таржимон бир мунча кийинчиликларга дуч келади.

Ўзбек тилининг кўркамлигини дунёга фош этган асарлардан бири “Ўткан кунлар”нинг кўплаб тилларга таржима қилинганлиги маълум. Даврлар оша ўзини ҳақиқий адабиётшунос, тилшунос деб ҳисоблаган олим ҳаёти давомида унга бир бўлса ҳам мурожаат этган, гарчи уни бугунги кун қаричи билан ўлчанганда, хатолари бўлса ҳам, миллатнинг қон-қонига сингиб кетган эталон деб тушуниш мумкин. Демак, эвфемизмларга бой ментал маданият кўзгуси ҳисобланган асарнинг таржимаси ҳам бир мунча мураккабликларни юзага келтиргани шубҳасиз.



2009 йил “Абдулла Қодирий асарларининг қисқача эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлари луғати”[3] чоп этилган бўлиб, унда асосан, адиб нутқида хос фразеологик birlikлар, асар қахрамонлари нутқида истифода этилган жумлалар – эвфемик birlikлар жамланган. Юқорида санаб ўтилган луғатларлар қаторида мазкур луғат ҳам изоҳли экан, унинг таржима вариантини ишлаб чиқиш ва таржимонлар эътиборига ҳавола қилишни ўз олдимишга вазифа қилиб қўямиз. Бироқ нутқий ҳодисанинг ўзгариб туривчи жиҳати боис уни бир қолипга солиш мумкин эмаслиги аён. Зеро, эвфемик ҳодиса исталган молукот вазиётида исталган тусда кўриниш бериши муқаррар. Шу аснода занжирнинг дастлабки қисми билан сўнги қисмида узилиш рўй беради. Бу фикрлар филология фанлари доктори, профессор А.Омонтурдиевга тегишли бўлиб, у бундай хулосага ўлим билан боғлиқ 300 га яқин эвфемик иборани бир жойга жамлаб “Бир сўз луғати”[4] китобини яратганда келган.

“Ўткан кунлар” асарининг дастлабки қисмида Ҳомид, Раҳмат ва Отабекнинг уйланиш ҳақидаги суҳбатларида мувофиқ сўзи жуда кўп ўринларда қўлланилганини кўраемиз. Ҳар қўлланишда бир эвфемик маъно зоҳир бўлади:

1. – Манимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, – деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди. – Уйлангач, хотининг табъингга мувофиқ келса, бу жуда яхши; йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас.

2. – Сўзингизнинг тўғрилигида шубҳа йўқ, – деди, – аммо шунга ҳам қўшмоқ керакки, оладиргон хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинга мувофиқтаб бўлсин.

3. – Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликни унча кераги йўқ, – деди Ҳомид эътирозланиб, – хотинларга эр деган исмининг ўзи кифоя... аммо жиян айтқандек, хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас.

4. Масалан, мен ота-онамининг ёқдиришлари билан уйландим... аммо хотиним ота-онамга мувофиқ бўлса ҳам, менга мувофиқ эмас, сиз айтқандек, эҳтимол мен ҳам хотинимга мувофиқ эмасдирман.

5. – Жиян, – деди Ҳомид Раҳматка қараб, – бошлаб уйланишинг, албатта, ота-онанг учун бўлиб, улардан ранжиб юришининг ўрни йўқ. Хотининг кўнглингга мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотинни икки қил. Буниси ҳам келишмаса, учунчисини ол. Хотиним мувофиқ эмас деб зорланиб, ҳасратланиб юриш эр кишининг иши эмас. Асар бўйича жами 35 қўлланишнинг 11 таси бир саҳифада ва фақат Отабек, Раҳмат ва Ҳомид мулоқотида қўлланади. Таржима жараёнида ёзувчининг сўз танлай олиш маҳоратини тўлалигича етказиш катта маҳорат талаб этади. Таржимон биринчи гапдаги «характерга мос келмоқ» фикрини ифода этиш учун мувофиқ сўзида «мени тушунадиган», «менга ёқадиган» каби эвфемик бўёқнинг мавжудлигини ҳис этиши керак.

2009 йилда “Шарқ” нашриёти томонидан чоп этилган бу асарнинг рус тилидагиси Муҳаммаднодир Сафаров томонидан таржима қилинган бўлиб, унда мазкур жумла қуйидагича таржима қилинади:

– По моему разумению, женитьба – самое деликатное дело на свете, – сказал Рахмат и обернулся к Атабеку. – После женитьбы, наиглавнейшее, чтобы супруга соответствовала твоей природе, в противном случае, нет сложнее задачи на всем белом свете[5].

Модуляция ёки мантиқий ривожланиш, лексик кўшимча ва конкретлаштириш каби методлар эквивалентсиз лексика таржимасининг энг муваффақиятли усулларида ҳисобланади ва улар эвфемизмларни таржима қилишда кенг қўлланилади. Зеро, улар ёрдамида таржимон фикрни етказиш удрасидан чиқади ва эвфемик ифоданинг самарасига эришади. Мазкур таржимада “уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир” жумласи в мире нет дело более деликатнее, как женитьба тарзида ўгирилиши керак эди. Бироқ таржимон самое сўзини кўшиб, ёзувчи назарда тутган мазмунни сақлаб қола олгани билан айрим нарсаларни: дарак гапларнинг “маълум воқеа-ходиса, белги хусусият ҳақида тасдиқ ёки инкор йўли билан хабар берувчи” эканлигини; дарак гапнинг шаклий парадигмаси ичида кесим вазиётида “йўқ” сўзининг ишлатилиши ҳам борлигини ва унинг натижасида модаллик касб этишини; дарак гапнинг марказий (ишонч, хабар, орзу-умид, мавжудлик) семаларидан ташқари чегара (маслаҳат, аташ, кўрсатиш, истақ, ташвиқ) семалари мавжудлигини; модаллик мавжуд бўлган гапларда фигурал маънонинг устиворлигини инобатга олиши зарур эди.

Таржимоннинг уйлангач, хотининг табъингга мувофиқ келса, бу жуда яхши; йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас жумласининг после женитьбы,

наиглавнейшее, чтобы супруга соответствовала твоей природе, в противном случае, нет сложнее задачи на всем белом свете ўгирмасида бўлишсизликни сақлаб қолади. Бунда лексик қўшимча сифатида наиглавнейшее сўзи аниқлик киритади. Аммо синтактик тузилишга путур этади. Бизнингча у тахминан қуйидагича кўринишда таржима қилиниши керак: После женитьбы, очень хорошо, если твоя жена подходила/соответствовала твоему нраву; иначе в мире нет хуже подобного.

Модуляция ёки мантқиқий ривожланиш деб манбаа тилидаги сўз ёки сўз бирикмасини таржима тилидаги бирлик билан алмаштиришга айтилади. Айни пайтда мувофиқ сўзи эвфемизм ҳисобланар экан, демак, таржимада ёзувчининг мақсадини тўлақонли етказишда рус тилининг бой луғати етарли эмас деган хулосага келиш мумкин. Баҳслашувчилар ўз фикрларини очик айтмайдилар, ҳар бири «мувофиқлик»ни ўз «қаричи» билан ўлчайди, ўзича тушунади ва талкин қилади. Чунки кейинги ҳолатларда айни сўз «Кўнглини топиш», «хизматини қилиш», «раўйини қайтармаслик», зарур эҳтиёжларига хизмат қилиш» каби маълум даражада очик айтиш мумкин бўлмаган маъноларни ҳам ифодалаб келмоқда. Ёзувчи гарчи Ҳомидга салбий қахрамон мақомини берган бўлса-да, унинг оғзига ҳам фақат пардаланган сўзларни «солади», уни ҳам, ким ва қандай одам бўлишидан катъи назар, миллий ибод ва андишадан холи кўрмайди, ўқувчига бепардоз намоийиш қилмайди. Бунда адибнинг миллий ибод ва назокатни қанчалик устувор тутганлигига амин бўлиш мумкин. У бу ерда мувофиқ сўзини ёлғиз қўллаб, ҳар гал «муносиб», «лойик» тушунчаларининг безакли, шунингдек, таъсирчан кўринишига эришади. Бу эвфемизм ҳам, бошқа эвфемизмларда бўлгани каби, кишида ижобий таассурот қолдириш, ёқимсиз сўзларни ошкор айтмаслик вазифасини бажаришга йўналтирилган.

Қуйидаги таржималар ҳам ўзбек ментал маданиятни тўлақонли етказиш учун бўлган уринишдир.

– Нет и тени сомнений в верности слов ваших, однако необходимо добавить, что поскольку жена должна соответствовать мужу, и супруг должен в полной мере подходить своей половине.

Адиб ўринсиз қайтариқлардан ҳам тийилади. Зеро ўринсиз қайтариқ нутқий «чучмаллик»ни келтириб чиқаради. Бир гапдаги таъбага мувофиқ сўз бирикмаси иккинчи мисолда қўшма сўз – мувофиқуттабъ шаклига келади: ...оладиргон хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинга мувофиқуттабъ бўлсин. Таржимон бу жиҳатни эътибордан қочириб “подходящий нраву (характеру, натуре)” каби тушунчани қўлламайди. Кейинги жумлада эса “подходить” тушунчаси ўз қолипига тушади.

– Если по мне, то это не столь и важно, соответствовать жене или не соответствовать, – тон Хаида сквозил несогласием, – для жены довольно одного слова «муж»... Однако, как верно заметил племянник, главное, что бы она подходила мужу.

Сўз бирикмаси матн ичида ўз маъносида тушуниланган бўлса, иккинчи гапдаги қўшма сўз – «танланган жуфтининг дидидаги инсон» маъносини берувчи ушбу ифода фикрни бойитади. Бу билан тингловчига нисбатан «сен ҳам унга ёкишинг керак»

дегандек бўлади, аммо унда нохушлик уйғотмаслик мақсадида юмшоқроқ шаклда баён этади: – Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликни унча кераги йўқ, – деди Ҳомид эътирозланиб, – хотинларга «эр» деган исмининг ўзи кифоя... аммо жиан айтқандек, хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас. Шунингдек, таржимон «Если по мне лексик қўшилмаси билан мазмунни қорқетлаштиради. Яъни бу фикр Ҳомидга ўхшаш одамлар учун хос ва мос. Бундай приёмлар таржимашуносликда меёр ҳисобланиб, умумий маънодан қочиш деб қабул қилмаслик керак.


Юқорида мувофиқ бўлмоқ жумласининг рус тилидаги ўгирмасида ҳам «маъкул бўлмоқ» тушунчасини бераётганини сезамиз. Чунончи, таржимон учинчи қўлланишда “соответствовать”нинг ўрнига “подходить” лексемасидан фойдаланганлигини кўраимиз. «Хотинга ёкиш», «хотиннинг эрга маъкул бўлиши» каби мулоҳазалар нозик эвфемик воситалар ортига беркиниб, беодобликнинг, нутқий одоб-ахлоқ бузилишининг олдини олмақда. Дунёқараш, маданий савия эса тилга кўчмоқда.

– Масалан, мен ота-онамининг ёқдиришлари билан уйландим... аммо хотиним ота-онама мувофиқ бўлса ҳам менга мувофиқ эмас, сиз айтқандек, эҳтимол, мен ҳам хотинимга мувофиқ эмасдирман... жумласида кўпроқ «тўғри келмоқ», «ёқтирмақ» тушунчалари англашилади. Нутқий контекст «ота-онам учун яхши бўлса ҳам, менга маъкул эмас, эҳтимол, мен ҳам ёқмасман» гапидаги ажратилган бирликлардан кўра мутаносиб сўзини талаб қилмоқда. Лекин нутқ жараёнидаги сўз ўйинида мувофиқ сўзи асос сифатида ҳар хил рангда кўринмоқда. Берилаётган ҳар бир фикр мазмунини ўз ўрнида ифодаламоқда. Таржимада эса ўша маъно эвфемалаштирилмасдан ўз холича берилади: – К примеру, я женился на девушке, понравившейся родителям... однако, хотя она и устраивает их, моей природе она кржуда, и, как вы подметили, вероятно, и она чувствует по отношению ко мне оужужденность.... Бундан яна бир хулосага келинади: эвфемик кўчимларни эвфемик кўчим билан ўгириб бўлмайди.

– Слышишь, племянник, – обратился Хамид к Рахмату, – конечно же, ты женился по воле родителей, и нет места обиде на них. Раз супруга неужодно твоей душе, возьми в жены другую подходящую, будет их две. А та тебя не устроила – женись на третьей. Не мужское это дело – кручиниться и тонуть в печали из-за несоответствия характеров.

Хотининг кўнглинга мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотинни икки қил жумласидаги икки ўринда ишлатилган айни ифодалар антоним ҳодисаси юз беришига сабаб бўлди. Рус тилида ушбу ҳолат тўғри маъноли лексемалар билан ифодаланиб, ментал маданият тўла очилмай қолишига сабаб бўлади. Беозор кўринишга келтирган ушбу эвфемик воситалар ўзбек тилида қанчалик гўзал бўлмасин, нозик маъно ифодаламасин, салбий моҳиятини йўқотмаётир, бироқ тўғридан тўғри ифода этилмаётир.

Хотиним мувофиқ эмас деб зорланиб, ҳасратланиб юриш эр кишининг иши эмас. Бу ерда «мувофиқ келмоқ»нинг ўрнига «мувофиқ эмас» каби эвфемизмининг янги, қулайроқ, аммо бизнингча, юмшоқ эмас, аксинча, дағалроқ кўриниши қўлланилган. Қийслаймиз:



Таржимада эса бу ҳолат из-за несоответствия характеров кинояси билан ўз аксини топади. Демак, бадий таржимада қаҳрамонларга хос сажия таржима тилида ҳам юзага чиқиши мумкин. Бунда таржимоннинг манба тилидаги барча нозик жиҳатлардан хабардор бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, тилнинг тараққиёти натижасида ҳар қандай тилга хос эвфемизмларнинг янги шакллари, айтилиши меъёр бўлиб келган кўпгина сўз ва иборалар ўрнида унга нисбатан янада қулай, сўзловчи ва тингловчи учун ёқимлироқ бўлган ифодалар пайдо бўлаверади. Бу эса уни таржима қилишда муайян тўсиқларни вужудга келтириши мумкин. Хусусан хассос ва, шунинг баробарида, сўзга «хасис» Абдулла Қодирийнинг айрим эвфемик кўчимларини ўгиришда қуйидаги муаммолар юзага келган:

Адиб турли мазмундаги тушунчаларни ифодалаш учун бир сўзнинг ўзинигина эвфемизм сифатида

қўллайди, уни ўгиришда таржима тилидаги айна сўзнинг бундай кўчимлари йўқлиги;

Бир сўзнинг ўзини эвфемизм сифатида қўллаш ўзбек тилида ўқувчини зериктириш ўрнига жалб қилади, тортади. Бироқ унинг таржимаси таржима тилида ўша кўчимларнинг йўқлиги сабаб, ўз маъносида қўлланилиши натижасида манба тилидаги эвфемик ширасини, ментал руҳини йўқотади.

Шундай бўлсада таржимон манба тилидаги нарса ёки воқеликни кузатиб, муҳим белги-хусусиятларини ажратар, умумлаштирар экан, маконий-замоний боғланишларни аниқлайди ҳамда турли хил тусга солиди ва натижада бадий таржимада манба тилидаги муҳитни имкон қадар яқинлаштиришга уринади. Қаҳрамонлар, урф-одатлар, ментал маданият каби жиҳатларини таржима тили билан мослаштириш имкониятига эга бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Сенчикина Е.П. Словарь эвфемизмов русского языка. [Электронный ресурс] – 2-е изд. стереотип. – М.: Флинта: 2016. – 461 с. <https://www.labirint.ru/books/263294/>
2. Омонтурдиев А.Ж. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – 134 б.
3. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарларининг қисқача эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлари луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – 64 б.
4. Омонтурдиев А.Ж. Бир сўз луғати. – Термиз: Жайхун, 1996. – 45 б.
5. Кадыри Абдулла. Минувшие дни. – Ташкент: изд-во «Шарк», 2009. – 430 с.